

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2023 йил 5 январь • №53 (1435)

АМРИЛЛО ИНОЯТОВ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ



Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан Амрилло Шодиевич Иноятوف Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири лавозимига тайинланди.

Амрилло Иноятов 1979 йилда туғилган. 2001 йил Бухоро давлат тиббиёт институтини, 2005 йилда Тошкент тиббиёт академиясида “Болалар юз-жағ жарроҳлиги” мутахассислиги бўйича аспирантура-ни тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 2001 йилда Бухоро давлат тиббиёт институ-

ти илмий-текшириш лабораториясида бошлаган. 2006-2014 йилларда ушбу институтнинг “Хирургик стоматология” кафедраси ассистенти, мазкур кафедра мудири, Стоматология факультети декани вазифаларини ишлаган.

2014-2020 йилларда Тошкент давлат стоматология институти Бухоро

филиалининг Стоматология факультети декани, ушбу филиал директори, Бухоро давлат тиббиёт институти ректори сифатида фаолият кўрсатган.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари лавозимига тайинланган.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Амрилло Иноятов 2020 йил 3 ноябрдан буён Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган эди.

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

ТИББИЁТ ТИЗИМИДА КАТТА ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди



тиббиёт бирлашмалари, ихтисослаштирилган марказлар, вилоят муассасалари раҳбарлари ишни тўғри ташкил қилмаганликлари учун бугун пастда иш кетмаётганлигига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир раҳбар ўзгаришни ўзидан бошлаши керак. Ишга янгича ёндашмаса, ташаббус ва фаолликни ўзидан бошламаса, бугун талаб этилаётган натижани кўрсата олмайди. “Республика ихтисослаштирилган марказларининг 1140 нафар мутахассисларини сафарбар қилиш орқали ҳудудларда жигар, қон-томир, корин,

цияси амалиёти жорий йилдаги 300 тадан 500 тага, жигар трансплантацияси 20 тадан 50 тага оширилади. Ҳудудларда жорий йилда камида 15 минг нафар беморларга юқори технологияли амалиётларни қўллаш билан ёрдам беришни режалаштирдик. Бунда, юрак тугма нуқсонли беморларга 2500 та окклюдер имплантацияси, 1700 та лапароскопия, 1600 та эндоваскуляр ҳамда шунтлаш, стентлаш, ангиография ва коронарография каби амалиётлар ўтказилади...” “Оналар ва болалар саломатлигини муҳо-

лари сонини мавжуд 11 мингтадан 15 мингтага ёки 35 фоизга кўпайтириш кўзда тутилади. 46 та туманлараро перинатал марказини жиҳозлашга 5,2 миллион доллар йўналтирилади. Келгуси йилда болаларнинг ҳам аклий, ҳам жисмоний, рационал ва соғлом ривожланиши, аёлларда камқонлик ва туғма нуқсонларнинг олдини олиш мақсадида болаларни ҳамда ўсмир қиз ва ҳомиладор аёлларни витамин ва дори воситалари билан бепул таъминлашга 145 миллиард сўм йўналтирилади. Эшитиш қобилияти паст

Танқидий-таҳлилий руҳда бўлиб ўтган ушбу тадбирда вазирлик марказий аппарати ходимлари, республика даволаш-профилактика муассасалари, ҳудудий бошқармалар ва тиббиёт бирлашмалари ҳамда соҳага тааллуқли олий ўқув юртлири маъсуллари иштирок этди.

Ҳайъат йиғилишини Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов олиб борди. – Раҳбар кабинетда ўтириши, ишга келиб кетиши ёки қайсидир масала билан югуриб юриши мумкин, лекин тизимли муаммони ҳал қила олмасанга натижа кўрсатмасанга, бундай раҳбарнинг кимга кера-



ги бор?,-дея таъкидлади. Шунингдек, вазир бу гап, аввало, вазирликнинг ўзига ҳам тегишли эканлиги ҳақида вазирлик, ҳудудий бошқармалар ва туман

кўкрак қафаси, трансплантология, микрохирургия, реконструктив ва пластик жарроҳлик амалиётлари кенг жорий этилади. Буйрак транспланта-

фаза қилиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилади. Бунда, туғурук комплексларини таъмирлаш, зарур ускуналар билан жиҳозлаш ва туғурук ўрин-

бўлган 250 нафар болаларга кохлеар имплант ўрнатилади. Спинал мушак атрофияси бор

МУНОСАБАТ

Бугун қайси соҳани олмайлик, замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирор натижага эришиб бўлмайди. Сабаби ҳар қандай мақсад ва ислохотлар натижадорлигига илм-фан билан етиб борилди.

берилди. Таълим тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, ўқитувчи касбининг, нуфузини ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Давлат раҳбари ҳар бир инсон ўзининг эртанги куни бўл-



ўқитиш, таълим бериш ўрнига бутун кузни пахта даласида ўтказарди. Ўқувчилар ҳам пахтага чиқиб, таълим олиш ўрнига пахта терарди. Бу эса таълим сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Президентимиз раҳбарлигида таълим тизимида амалга

оширилган ислохотлар туфайли юртимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Бу янгилар нафақат мамлакатимизда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди, ҳатто халқаро майдонда ҳам мамлакатимиз обрў-эътиборини янги босқичга олиб чиқди.

ИЛМ — ЭНГ КАТТА САРМОЯ

Шу боис, кейинда мамлакатимизда ёшларга илм чўққиларини эгаллашлари, ўзларининг ақл-заковатлари, ижодий имкониятлари ва куч-қувватларини намоён этиши учун барча зарур шароитлар яратилди. Йигит-қизларнинг юксак даражага кўтарилиши учун бор имкониятлар ишга солинди. Изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар натижасида кейинги йилларда юзлаб янги мактаблар қурилди, 500 минг ўқувчи учун кўшимча ўринлар яратилди, 7 мингдан ортиқ замонавий компьютер хоналари ташкил этилди.

Президентимиз куни ке-

ча Халқаро конгресс марказида таълим соҳасидаги ислохотлар ҳақидаги мурожаатида ҳам аynи масалага тўхталиб, Янги Ўзбекистондаги ташаббусларни, айниқса, таълим бўйича ислохотларни чекка худудларга ҳам кириб боришга ҳаркат қилинаётганини билдирди. Таълим соҳаси мутасаддилари ва ўқитувчилар билан мулоқот чоғида мактаб ўқувчилари ва мажбурий меҳнат ҳақида сўз борар экан, мактаб ўқувчиларини мажбурий меҳнатга жалб этишни тақиқлаш бўйича қарорни қабул қилиш осон бўлмаганлигини қайд этди. Таълимдаги камчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, уни бартараф этиш йўллари кўрсатиб

ган фарзандларни муаллимга ишониб топшириши ҳақида гапирар экан, охириги йилларда таълимда ўқитувчининг кайфияти, дарс бериши ўзгарганини таъкидлади. Буларнинг барчаси сўнгги йилларда Ўзбекистонда бу борада жуда муҳим қадамлар ташлангани, энг аввало, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш мақсадида таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани натижасидир.

Бир пайтлар ўқитувчилар асосий вазифаси бир четда қолиб, фаолиятига мутлақо алоқадор бўлмаган ишларга жалб этиларди. Улар болаларни

Умуман олганда, таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтганидек, “тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир”. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ва замонавий дарсликлар кўргазмаси билан танишиш чоғида белгилаб берган вазифалари юртимизда таълим сифатини ошириш ва илм-фан таракқиётини таъминлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

**Ғайрат АБДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Фан, таълим, маданият ва
спорт масалалари қўмитаси аъзоси.**

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ БҲЙИЧА УЧ ЙИЛЛИК ДАСТУР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Мамлакатимизда аҳоли соғлигини муҳофазат қилиш ва мустаҳкамлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Зеро, халқ саломатлиги, миллат генофонди мустаҳкамлиги мамлакатнинг катта бойлиги саналади.



Шу боис, давлатимиз раҳбари парламент ва халқимизга йўлаган Мурожаатномасида аҳолининг малакаси ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш 2023 йилда ҳам давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бир бўлиб қолишини таъкидлаб ўтдилар.

Хусусан, энг аввало, бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланади. Ажратилаётган маблағлар ҳар бир беморга

етиб бориши учун давлат тиббий сугуртасига ўтиш тизими тезлаштирилиб, 2023 йилдан бу тизим Тошкент шаҳрида бошланади. Босқичма-босқич бошқа худудларда ҳам жорий қилинади.

Аҳоли орасида соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Сабаби, айни кунда 7 миллионга яқин фуқароларимиз турли хил сурункали касалликлар билан оғриб келмоқда. Бунинг энг асосий сабабларидан бири бу — соғлом турмуш тарзи-

нинг тўғри йўлга қўйилмаганлигидир.

Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи”ни янги умуммиллий ҳаракатга айлантириш ва бу ишларни маҳалладан бошлашимиз лозимлиги айтиб ўтилди. Бу ҳаракатда ёшу қари — барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши кераклиги таъкидланди. Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш ишлари давом эттирилади. Келгуси икки йилда ҳар бир оилавий поликлиника ва шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб берилди, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланади.

Янги йилда кўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалари, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилади. Шу билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик дастур амалга оширилади. Барча туғруқ комплекслари тўлиқ таъмирланади ва жиҳозланади, ўринлар сони 35 фоизга кўпайтирилади.

Айни кунда мамлакатимизда 15 мингга яқин онкологик беморлар нур ёрдамида даволанишга муҳтож. Шу бо-

ис, келгуси йилда Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда, давлат-хусусий шериклик асосида Радиология марказларини ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, 2022 йилнинг май ойидан буён халқимиз ва кенг жамоатчилик томонидан кизгин муҳокама қилиб келинаётган Конституциявий қонун лойиҳасида ҳам айнан энг кўп инсон ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга доир ўзгартиришлар киритилмоқда. Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳам фикримиз тасдиғидир.

Аммо, бугун жамиятимиз, унда истикомат қилиб келаётган инсонлар онги кун сайин ўзгариб бормоқда. Бу эса, одил судловни таъминлаш бўйича хали қўлимиз етиб бормаган масалалар борлигини кўрсатмоқда. Бунга биргина мисол, ҳозир ҳам тергов си-

фати пастлиги, судларда одамларнинг овозгарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Шу боис, ушбу камчиликларни бартараф қилишнинг дастлабки қадами сифатида давлат ҳисобидан бепул таъминланадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга туширилиши маълум қилинди. Шунингдек, қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгилашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратилади. Хусусан, тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказилмоқда. Энди терговчи киноятга алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмайди. Бу эса, бугун жамиятимизда ҳақли эътирозларни келтириб чиқараётган хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ салбиқ ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади.

Умуман олганда, Мурожаатномада белгилаб берилган ҳар бир устувор йўналишнинг ҳаётимизга ўз вақтида тадбиқ этилиши, 2022-2026 йилларга мўлжалланган таракқиёт стратегиясини самарали амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиб беради.

**Мавлуда АДХАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.**

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январида “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони тасдиқланди. Мазкур фармонда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва ўтган йилимизда амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар пухта тайёрланган, чуқур ўйланган, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган муҳим чора-тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, 100 та мақсад ва 398 та чора-тадбирлардан иборат.

мурасасизлик муҳитини вужудга келтирадиган давлатлар қаторига киришдан иборат.

Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг туб замирида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган устувор ғоя “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” тамойилига мувофиқ барча имкониятлар халқимиз манфаатлари йўлида сафарбар этилиши устувор вазифа этиб белгиланмоқда.

Шу ўринда ислохотларнинг чинакам натижадорлигига эришиш мақсадида давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасида коррупцияга қарши курашиш

сизлик коррупциянинг сурункали белгиси эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур муаммонинг ўта долзарблигини исботлашнинг ҳождати йўқ.

Сўнгги йилларда давлатимиз коррупцияга қарши кураш масалаларига изчил ва тизимли эътибор қаратмоқда. Ҳатто 2021 йилнинг августида чоп этилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобининг “Ўзбекистон ва умумбашарий муаммолар” бўлимида “Коррупциядан ҳоли дунё - умумбашарий орзу” мавзусида коррупция муаммоси ҳар томонлама таҳлил этилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қар-

кил қилишда коррупцияга қарши курашишга оид мавзуларга, коррупцияга қарши таълим бериш сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланган.

Коррупцияга қарши кураш сиёсатининг мақсади – коррупция даражасини пасайтириш ҳамда фуқаролар, жамият ва давлат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг коррупция билан боғлиқ таҳдидлардан ҳимояланишини таъминлашдан иборат муҳим аҳамиятга эга тавсиялардир. Ички ишлар органлари фаолияти софлигини таъминлаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Эътибор қаратайлик... Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ички ишлар органлари ишида қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида учраб турадиган коррупция, расмийчилик, тўрачилик, лоқайдлик, худбинликка тубдан барҳам бериш вазифаларини қўйди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев видеоселектор йиғилишида: “Мана шундай камчиликлар туфайли ички ишлар идоралари чинакам “Халқчил ички ишлар органлари”га айланмапти. Ҳанузгача мурожатларни эътиборсиз қолдириш, хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашиш ҳолатлари мавжуд. Кейинги вақтларда тизим ходимларининг номақбул ҳаракатлари, мансаб ваколатларини суистеъмол қилишга доир ҳолатлар интернетда кенг муҳокама қилинаётгани ички ишлар органларининг обрўсига путур етказмоқда!”, деб афсус билан гапирган эди. Бу барча ички ишлар ходимларидан касб маданияти талабларига қатъий риоя қилиш, ўз хизмат бурчини чуқур англаш ва виждонан адо этишни талаб этади. Ҳар бир ходим мураккаб шароитларда жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичи оғир кечаётганлигини чуқур идрок қилиши, хизмат ва турмушда хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиши, фуқаро, жамият ва давлатга хизмат қилишда масъулиятни тушуниб етиши лозим.

Барчамизга маълумки, Ички ишлар органлари ходими кўп ҳолларда жабрланувчи ёки ҳуқуқбузар дуч келадиган давлат ҳокимиятининг биринчи вакили ҳисобланади. У биринчи бўлиб жамиятга зид қилишга баҳо беради ва давлат

Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН КОРРУПЦИЯДАН ҲОЛИ МАМЛАКАТГА АЙЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Коррупция йўқ десак ёлғон бўлади, коррупция ичимизда юрибди. Коррупцияга қарши бутун жамоатчилик билан курашимиз зарур». Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш” номли 83-бандида белгиланган бўлиб унда:

Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ҳамда давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизнинг самарасини

оширишга хизмат қилади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг: “Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш” номли 84-мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланган:

самарадорлигини изчил таъминлаб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Сабаби, Ўзбекистон халқи миллий юксалишнинг муҳим босқичига қадам қўйди. Иқтисодий кадриятлар – хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратилмоқда. Янги иш ўринлари яратилмоқда.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижобий ютуқларга эришган ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга асосий эътибор қаратилган ва бу ўз самарасини берганини амалда кўриб турибмиз.

Коррупция муаммоси дунёвий аҳамиятга молик бўлган кенг қўламдаги тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Бу борада Европа Иттифоқи Марказий банкининг раисаси Кристиан Лагарт ўзининг «Коррупция ҳақида очиқ гап» эссесиде билдирган фикрича, коррупцияга қарши курашиш учун яхлит ва кўп қиррали ёндашув зарур, энг муҳими, ҳокимият институтини, давлат хизматини профессионал ва старлича мустақил кадрлар билан жамлаш керак. Шу билан бирга, ушбу мавзуга эътибор қаратишга Лагарт хонимни коррупциянинг ўта долзарб ва нозик масала эканлиги мажбур қилди. Коррупция «жамоатчилик томонидан камбағаллик ва ишсизликдан кўра кўпроқ муҳокама қилинадиган мавзу ҳисобланади», деб ёзади у. Унинг фикрича, агар камбағаллик ва иш-

ши конвенциясининг «Коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар», деб номланган 2-боби 6-моддасининг b-бандида «коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича билимларни кенгайтириш ва тарқатиш» вазифаси юклатилган. 2018 йилнинг декабрь ойида 4 раунд мониторинг ўтказилган бўлиб, унинг натижаси бўйича бир қатор янги тавсиялар берилди. Уларнинг 23-тавсиясида, жумладан, «Коррупцияни бартараф этиш ва прокурорларда ахлоқан поклик, ҳалоллик фазилатларини шакллантириш масалалари бўйича доимий ўқитиш ва малакасини оширишни таъминлаш, шунингдек, бу борада амалий йўналишга эга бўлган тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» борасида тавсиялар берилганлиги ҳам масаланинг нақадар долзарблигидан далолат беради. Коррупцияга қарши курашишда коррупцияга қарши таълимни кенг қўламда қўллаш зарурияти ҳақида қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юридик таълим сифатини ошириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилган фармонларида алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу ҳужжатларда Президентимиз томонидан давлат органларининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни таш-

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 84-мақсадида белгиланган вазифалар композицияси

№	84-мақсадда белгиланган вазифалар	Олимларнинг Ф. И. Ш.
1.	Коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш.	
2.	Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш.	
3.	Коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш.	
4.	Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш.	
5.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «коррупциядан ҳоли қонунийлик» тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш.	
6.	«Е-антикоррупция» лойиҳасини амалга ошириш.	
7.	Коррупцияга мойил соҳаларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ва бунга кенг жамоатчиликни жалб этиш.	
8.	Коррупциянинг нафақат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан амалий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	
9.	«Коррупцияга қарши курашиш виртуал академия»ни жорий этиш орқали соҳага доир ҳуқуқий билим ва онгни юксалтириш бўйича кенг қамровли тизимини жорий қилиш.	
10.	Давлат хизматчиларини коррупцияга қарши миллий сертификациялаш тартибини татбиқ этиш	

Юқорида белгиланган вазифалар, уларнинг ўз вақтида ва сифатли ижроси Янги Ўзбекистоннинг коррупция устидан галаба қозониш ва “тоза қўлар” сиёсати борасидаги фаолиятимизнинг асосий мақсади бў-

либ, у адолат қонун устуворлиги принципларини амалда таъминланишига эришиш орқали бу иллатдан халос бўлиш, мамлакатимизнинг коррупцияни рад этадиган ва жамиятда унга нисбатан мутлақо тоқатсизлик,

номидан қонун талабларини бажарган ҳолда жамоат тартибини бузувчиларга мажбурлов чораларини қўллаиди. Айнан шу боис коррупция ҳодисаси ҳуқуқ-тарғибот органлари тизимида алоҳида хавф-хатарни юзага келтиради, аҳоли орасида тизимга нисбатан ишончсизликни юзага келтириб, ички ишлар органларини обрўсини тўқади. 2022 йилнинг 15 февраль куни Ички ишлар вазирлигида ўтказилган коррупция муаммосига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қонунни бузиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатга энди принципаал баҳо берилиши ва қатъий чоралар кўрилиши белгилаб олинди. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмастлиги керак.

Хусусан, 2017 йил 3 январдаги Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги УРҚ-419-сонли Қонуннинг 5-моддасида "Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш"га оид чора-тадбирлар коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган бўлса, 17-моддада "Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" билан боғлиқ тадбирлар қайд этилган.

Ички ишлар органлари ходими билиши керак:

–*коррупцияга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиши ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиши кўникмаларига эга бўлиши;*

–*коррупциоген вазиятлар бўйича музокаралар, учрашувлар, ҳамкорлик ёзишмаларини олиб бориши ва онлайн алоқаларни амалга ошириши билиши ва ташиқил этиши;*

–*коррупция ҳодисаси бўйича тезкор ахборот тизимларини, кримнологик таҳлил қилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритиши билиши ва ташиқил этиши;*

–*хизматни ташиқил қилиши, коррупция хавфини бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилиши қобилиятини мустаҳкамлаши;*

–*мамлакатимиз ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлигини англаши ва ходимларга, аҳоли қатламига етказиши;*

–*коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва унга қарши аёвсиз курашиши барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланганлигини чуқур идрок этиши ва ходимларга етказиши;*

зишни ташиқил этиши;

–*коррупцияга қарши курашишига оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини билиши ва уни ҳаётга татбиқ этиши ташиқил этиши, бошқариши;*

–*коррупциясиз соҳани таъминлашга қаратилган ташиқилот «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши ташиқил этиши;*

–*коррупция ва унинг сир-асрорларини, ижтимоий слабий оқибатлари ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини, ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиши ва ходимларда коррупцияга қарши ҳулқ-атворни шакллантиришнинг усул ва шакллари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий салбий оқибатлари, шу жумладан, бу каби ҳуқуқбузарликларни содир этган ходимларнинг аянчли тақдири ҳақида ходимларга етказиши ташиқил этиши ва бошқариши;*

–*ички ишлар органларидаги коррупцион ҳолатларни аниқлаши, ўрганиши, таҳлил қилиши ва уларга база бериши ташиқиллаштириши; коррупцияга оид ҳуқуқ бузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ва уларни бартараф этиши йўллари ўрганиши ташиқил этиши ва бошқариши;*

–*коррупцияга оид ҳуқуқ бузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб*

чиқиши, амалга ошириши ҳамда бу борада амалдаги қонун нормаларини қўллаш билишини ташиқил этиши ва бошқариши;

–*ички ишлар органининг замонавий ходими сифатида ўзини ўзи тарбиялаш олиши ҳамда коррупцияга ундовчи таъсирлардан ҳимояланиши ва коррупцион мотивациядан тийиллиши кўникмаларига эга бўлиши кераклигини ўргатиши ташиқил этиши;*

–*коррупцияни олдини олиши ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиши ташиқил этиши ва бошқариши;*

–*хизмат фаолиятида юзага келган коррупция муаммоларни ҳал этиши ҳамда тегишли бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиши ташиқил этиши ва бошқариши;*

–*бошқарув қарорларини қабул қилишида, уларни аниқ бошқарув вазифаларига мослаштириши орқали ижтимоий-иқтисодий ва ташиқиллий-бошқарув моделларини шакллантиришида миқдорий ва сифатли таҳлил қилиши кўникмаларига эга бўлиши қобилиятини ташиқил этиши ва бошқариши;*

–*мустақил ва янги фикрлаш ва янги бунёдкор гояларни илгари суриши қобилиятини мустаҳкамлашни ташиқил этиши ва бошқариши;*

–*шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишига ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли таъминлашга қаратилган замонавий усулларни ўз касбий*

фаолиятида қўллашни ўргатиши ташиқил этиши ва бошқариши;

–*коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиши, жиловлаш ҳамда уларнинг барвақт олдини олиши, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиши учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиши қобилиятини мустаҳкамлашни ташиқил этиши ва бошқариши;*

–*коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташиқил этиши ва амалга ошириши ташиқил этиши ва бошқариши;*

–*коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишида давлат органлари ва муассасалари, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари, нодавлат ношароит ташиқилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши ташиқил этиши ва бошқариши;*

–*коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиши ва уларни бартараф этиши методикасини ўрганиши ташиқил этиши ва бошқариши.*

Жаҳонгир ОЧИЛОВ.

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси, коррупцияга қарши курашиш бўлими, ички ишлар бошқармаси майори.

ФАН УФҚЛАРИ

Кардиожарроҳлик – академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири.

Муассасада турли мураккаб ва кўп компонентли юрак ва аорта касалликларига чалинган беморларда икки ва уч табақали юрак протезлари, аортанинг юқорига қўтарилган қисми ва унинг ёйи аневризмалари ҳамда юрак патологиялари бўйича йи-

КАРДИОЖАРРОҲЛИК ЙўНАЛИШИДА ҚАНДАЙ МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯЛАР ўТКАЗИЛМОҚДА?



казилган бўлса, уларнинг 23 таси юртимизда илк бор бажарилди. 2022 йилда бу рақам 532 тани ташкил этди. Улардан 17 таси қўтарилган қисм протезлари, аорта ёйи юрак-ўпка айланиши ва қон айланиши

циркуляр арестга олинмиши шароитидаги ноёб операциялардир. Шунингдек, 2021 йил марказда 260 та, 2022 йилнинг декабрь ойигача эса 444 та аорта-коронар шунтлаш амалиёти муваффақиятли ўтказилди. Худудларда юқори технологияли кардиожарроҳлик операцияларини жорий этиш бўйича ҳам фаол иш олиб борилмоқда.

лига 400 дан зиёд операциялар амалга оширилмоқда. 2021 йил мазкур йўналишда 416 та операция ўт-

Хусусан, 2021 йил марказ кардиожарроҳлари томонидан жойларда 32 та, 2022 йил декабрь ойигача 76 та амалиёт сифатли йўлга қўйилди.

@ssvuz

МАММОГРАФИК СКРИНИНГЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УЧУН ЯГОНА МАРКАЗЛАШГАН ПЛАТФОРМА ЯРАТИЛДИ

Халқаро стандартларга мувофиқ, маммографик скрининг натижаларини таҳлил қилишда ҳар бир маммограммани “2/3 марта ўқиш” қондасига риоя қилиш зарур.



Ушбу талабни бажариш учун нормал шароитда маммография хонасида 2 та рентгенолог бўлиши керак.

–*Инсон ресурсларининг этишмаслигини ҳисобга олган ҳолда платформасида ихтисослаштирилган ахборот тизими ишга туширилди.*

–*Бу мутахассислар томонидан таҳлил натижаларини марказлашган тарзда ўқиш ва тасвирларни ягона тизимда*

сақлаш имконини беради.

–*Бунинг учун Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказида 4 та шифокор иш станцияси ва RIS/PACS сервери билан жиҳозланган офис ташиқил этилган.*

–*Онкология маркази филиалларида эса 13 та шифокор иш станцияси ўрнатилди ва маммограммаларни ўқиш учун мутахассислар тайёрланди.*

